
**“Транспорт ва молия соҳаларидаги айрим ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун маъмурий жазолар либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонуни
Қонуннинг моҳияти ва аҳамияти.**

Киритилган ўзгартиришларга кўра, ҳайдовчилар транспортни бошқаришда телефондан кулоқчинлар орқали ва қўлларини ишлатмасдан гаплашиш имконини берадиган ускуналар орқали фойдаланиши мумкин.

Ҳайдовчилар белгиланган тезликни ошириб юборганида қайд этилган тезликдан 5 км/соат чегириб ташлаб жазо қўлланилади.

Ҳайдовчи ёнида паспорти ёки ИД-картаси бўлганида транспортни бошқариш, рўйхатдан ўтказганликка оид ҳужжатларни, ишончномани, суғуртани ёнида олиб юриши талаб этилмайди (*мазкур тартиб 2022-йил 1-мартдан кучга киради*).

Шунингдек, транспорт салонининг олд қисмига монитор (дисплей) ўрнатганлик учун жавобгарлик бекор қилинди.

Валюталарни ноқонуний олганлик учун жарима миқдори БҲМнинг 10 бараваридан 20 бараваригача этиб белгиланди (*илгари қатъий БҲМнинг 20 баравари эди*).

Автомобилда йўловчиларни лицензиясиз ташиганлик учун фуқароларга жарима БҲМнинг 30 баравари этиб белгиланди (*илгари БҲМнинг 20 бараваридан 100 бараваригача эди*).

Ички ишлар вазирлиги ахборотни (транспортни бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар, рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги, транспортга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар, суғурта полислари ҳақидаги ахборотни) ички ишлар органлари ёки консуллик муассасалари берган биометрик паспорт (*идентификацияловчи ИД-карта*) асосида планшетлар ва компьютерлар воситасида фойдаланган ҳолда Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан текшириш тартибини Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ягона электрон иш юритиш тизими доирасида 2022-йил 1-мартга қадар бўлган муддатда жорий этади.

Жинойт ишлари бўйича

Фурқат туман суди раиси

О.Хасанов



HAYDOVCHILAR BELGILANGAN TEZLIKNI OSHIRIB YUBORGANIDA QAYD ETILGAN TEZLIKDAN 5 KM/SOAT CHEGIRIB TASHLAB JAZO QO'LLANILADI

Manba: O'RQ-734-son, 30.11.2021-y.

@huquqiyaxborot



• Kiritilgan o'zgartirishlarga ko'ra, haydovchilar transportni boshqarishda **telefonda quloqchinlar orqali va qo'llarini ishlatmasdan gaplashish** imkonini beradigan uskunalar orqali foydalanishi mumkin



• Haydovchilar belgilangan tezlikni oshirib yuborganida qayd etilgan tezlikdan **5 km/soat chegirib tashlab** jazo qo'llaniladi



• **Haydovchi yonida pasporti yoki ID-kartasi bo'lganida** transportni boshqarish, ro'yxatdan o'tkazganlikka oid hujjatlarni, ishonchnomani, sug'urtani yonida olib yurishi talab etilmaydi (*mazkur tartib 2022-yil 1-martdan kuchga kiradi*)



• Transport salonining old qismiga **monitor (display) o'rnatganlik uchun** javobgarlik bekor qilindi



• Valyutalarni noqonuniy olganlik uchun jarima miqdori BHMning **10 baravaridan 20 baravarigacha** etib belgilandi (*ilgari qat'iy BHMning 20 baravari edi*)



• Avtomobilda **yo'lovchilarni litsenziyasiz tashiganlik uchun** fuqarolarga jarima **BHMning 30 baravari** etib belgilandi (*ilgari BHMning 20 baravaridan 100 baravarigacha edi*).

Ma'lumot uchun: mazkur Qonun Adliya vazirligi takliflari asosida ishlab chiqilgan

2022-01-19 15:57:47